

Диний таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари давом этмоқда



14:09 / 06.08.2024 1022

Бугун, 6 август куни Олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларига 2024-2025 ўқув йили учун кириш имтиҳонлари ўтказиладиган 6 та ҳудуднинг учинчиси бўлган Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, 1-сонли касб-ҳунар мактаби биносида навбатдаги кириш имтиҳон жараёнлари бошланди.

Эрта тонгдан мазкур даргоҳга 533 нафар абитуриент тест синовларини топшириш учун етиб келди. Бу ерда абитуриентлар ва уларнинг оналарига барча зарур шароитлар ҳозирланган.

Имтиҳон бошланиш олди ўтказилган тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Таълим ва илмий-тадқиқот бўлими мудирини ўринбосари Акбар

Дўсматов, Дин ишлари бўйича қўмитаси масъул ходими Элёр Алимқулов, Шаҳрисабз шаҳар бош имом-хатиби Фазлиддин Мухторов, «Хожа Бухорий» ўрта махсус ислом таълим муассасаси мудирини Ўткир Ғузоров, соҳа вакиллари, ўқитувчи-мураббийлар, ота-оналар ва абитуриентлар иштирок этди.

Қуръони Карим тиловати билан бошланган маросимда сўзга чиққанлар юртимизда диний таълим соҳасига қаратилаётган эътибор тўғрисида сўзлаш баробарида имтиҳонлардаги замонавий технологиялардан фойдаланиш тартиб-қоидалари тўғрисида абитуриентларга батафсил тушунча ва тавсиялар бериб ўтди.

Ушбу жараёни соҳа мутасаддилари ва ҳамкор ташкилот вакиллари билан иборат кузатувчилар назорат қилиб бормоқда.

Имтиҳон топшираётган барча абитуриентларга муваффақият тилаб қоламиз!